

**“АГРОБАНК” акциядорлик тижорат банки
акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг**

37 - сонли

Б А Ё Н Н О М А С И

2018 йил 12 сентябрь
соат 10-00

Тошкент шаҳри,
Муқимий кўчаси, 43-уй

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони **1 752 308 589** дона. Жами овоз берувчи акциялар сони **1 851 351 565** дона. Йиғилиш кворуми **94,7** фоиз.

РАИСЛИК ҚИЛДИ

А.Р.Каримов

Қатнашдилар :

Банк акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади).

Кенгаш аъзолари: А.Р.Каримов, М.А.Каримов,
Ш.Ш.Мирзаев

Банк Бошқаруви: Р.У.Маматкулов, А.С.Шеров, М.А.Ачилов,
Ж.А.Саипов, М.Қ.Эшматов

Таклиф этилганлар: Банкнинг таркибий тузилмалари раҳбарлари

А.Р.Каримов - Банк акциядорларининг умумий йиғилиши котиби этиб, Банк аппаратининг Оғзаки ва ёзма мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи З.У.Маматкулов номзоди маъқулланди.

ЭШИТИЛДИ:

А.Р.Каримов - Банк акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Банк акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартиби кўйидагича тасдиқлансин:

КУН ТАРТИБИ :

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
3. Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш.
4. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш.
5. “Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги Низомига ўзгартириш киритиш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1 – масала

Йиғилиш раиси Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибига банк Кенгаши томонидан тавсия этилган куйидаги номзодларни тасдиқлашини акциядорлардан сўради.

Абсаламов Бахтияр Аширбаевич – “Leader Finance” МЧЖ директори, комиссия раиси.

Очилов Шухратилла Тоштемирович - Банкнинг Ғазначилик департаменти бошқарма бошлиғи, комиссия аъзоси.

Ражабов Эшмурод Рузибаевич - Банкнинг Ғазначилик департаменти бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси, комиссия котиби.

Йиғилиш кун тартибидаги 2 – масала

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун йиғилиш регламентини куйидаги тартибда тасдиқлаб олиш сўралди:

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича 10 дақиқагача, музокарага чиқувчилар учун 5-10 дақиқагача вақт ажратилиши таклиф этилди.

Йиғилиш кун тартибидаги 3 – масала

Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш юзасидан йиғилиш раиси А.Р.Каримовнинг маърузаси эшитилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 499-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Қарорига асосан 2009 йил 31 мартдаги

89-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига илованинг матни кўйидаги тахрирда баён этилган:

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Кенгашининг таркиби

1. А.Я.Хайдаров - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари, Кенгаш раиси
2. Ш.Ш.Мирзаев - Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаменти директори, Кенгаш раисининг ўринбосари
3. Лавозим бўйича - Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари
4. А.А.Обидов - Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
5. А.И.Максудов - "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқаруви раиси
6. Ш.А.Вафаев - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи директори
7. Ш.И.Салиев - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси
8. С.О.Хайдаров - "Ўздонмахсулот" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси
9. М.Д.Норгитов - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Юридик хизмат раҳбари

Изоҳ. Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд заммасига тегишли вазифаларни бажариш юкланган шахслар Банк кенгаши таркибига киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида юқорида қайд этилган вазирлик ва идоралар томонидан банк Кенгаши таркибига кўйидаги номзодлар кўрсатилган.

1. А.Я.Хайдаров - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг

биринчи ўринбосари, Кенгаш раиси

2. И.А.Уразкулов - Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини Давлат томонидан кўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаменти директори, Кенгаш раисининг ўринбосари
3. А.Э.Эргашев - Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари
4. А.А.Обидов - Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
5. А.И.Максудов - "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқаруви раиси
6. Ш.А.Вафаев - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи директори
7. Ш.И.Салиев - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси
8. Ф.Ж.Пулатов - "Ўздонмахсулот" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси
9. М.Д.Норгитов - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Юридик хизмат раҳбари

Йиғилиш кун тартибидаги 4 – масала

Банкнинг Юридик департаменти директори Ж.А.Саипов банк Уставига ўзгартиришлар киритиш бўйича банк акциядорларига куйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 499-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Қарорига асосан 2009 йил 31 мартдаги 89-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори иловасининг матни янги таҳрирда баён этилиб, "Агробанк" акциядорлик тижорат банки Кенгашининг таркиби тўққиз киши қилиб белгиланганлиги муносабати билан банк Уставининг 58-бандига тегишли ўзгартириш киритишни тақозо этади.

Шунингдек, банк филиаллари рўйхатига Банк операциялари бошқармаси номи Тошкент шаҳар филиалига ўзгарганлиги ва Марказий

амалиётлар бошқармаси қўшилганлиги муносабати билан банк Уставининг 79-бандига тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59 ва 60-моддаларига асосан банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради ҳамда ушбу масала бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Шунга кўра, банк Уставига ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш банк акциядорлари эътиборига ҳавола этилади.

Йиғилиш кун тартибидagi 5 – масала

Банкнинг Юридик департаменти директори Ж.А.Саипов сўзга чиқиб, “Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги Низомига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масала юзасидан акциядорларга маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 499-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Қарорига асосан 2009 йил 31 мартдаги 89-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори иловасининг матни янги таҳрирда баён этилиб, "Агробанк" акциядорлик тижорат банки Кенгашининг таркиби тўққиз киши қилиб белгиланганлиги муносабати билан “Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги Низомига киритилаётган ўзгартиришни тасдиқлаб бериш акциядорлардан сўралди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, кун тартибига киритилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш акциядорлардан сўралди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

I. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш

(А.Р.Каримов)

**Овоз бердилар: - 1 752 308 589 овоз, ёқлаганлар – 1 752 308 589 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

Банк санок комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин:

1) Абсаламов Бахтиёр Аширбаевич - "LEADER FINANCE" масъулияти чекланган жамияти директори, комиссия раиси.

2) Очиллов Шухратилла Тоштемирович - Банкнинг Ғазначилик

департаменти бошқарма бошлиғи, комиссия аъзоси.

3)Ражабов Эшмурод Рузибаевич - Банкнинг Ғазначилик департаменти бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси, комиссия котиби.

II. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш

(А.Р.Каримов)

Овоз бердилар: - 1 752 308 589 овоз, ёқлаганлар – 1 752 308 589 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

III. Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш

(А.Р.Каримов)

Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

Т/р	Номзодлар		овоз берди	Тарафдор
1.	Хайдаров Аҳадбек Яхебекович	-	1 752 308 589	1 752 308 589
2.	Уразкулов Икромжон Абраркул ўғли	-	1 752 308 589	1 752 308 589
3.	Эргашев Абдимухтор Эргашевич	-	1 752 308 589	1 752 308 589
4.	Обидов Аскар Акбар ўғли	-	1 752 308 589	1 752 308 589
5.	Максудов Алишер Иркинович	-	1 752 308 589	1 752 308 589
6.	Вафаев Шухрат Абдушарифович	-	1 752 308 589	1 752 308 589
7.	Салиев Шерзод Икромович	-	1 752 308 589	1 752 308 589
8.	Пўлатов Фаррух Жахонгирович	-	1 752 308 589	1 752 308 589
9.	Норгитов Мухитдин Джурабоевич	-	1 752 308 589	1 752 308 589

Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1.Хайдаров Аҳадбек Яхебекович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари, Кенгаш раиси

2.Уразкулов Икромжон Абраркул ўғли - Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш

- департаменти директори, Кенгаш раисининг ўринбосари
- 3.Эргашев Абдимухтор Эргашевич** - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари
- 4.Обидов Аскар Акбар ўғли** - Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
- 5.Максудов Алишер Иркинович** - “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси
- 6.Вафаев Шухрат Абдушарифович** - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи директори
- 7.Салиев Шерзод Икромович** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси
- 8.Пўлатов Фаррух Жахонгирович** - “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси бошқаруви раиси
- 9.Норгитов Мухитдин Джурабоевич** - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Юридик хизмат раҳбари

IV. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш

(А.Р.Каримов, Ж.А.Саипов, А.Р.Каримов)

Овоз бердилар: - 1 752 308 589 овоз, ёқлаганлар – 1 752 308 589 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ

1. Банк Уставига киритилган ўзгартиришлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Банк Бошқаруви зиммасига банк Уставига киритилган ўзгартиришларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

V. “Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги Низомига ўзгартириш киритиш
(*А.Р.Каримов, Ж.А.Саипов, А.Р.Каримов*)

**Овоз бердилар: - 1 752 308 589 овоз, ёқлаганлар – 1 752 308 589 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ**

1. “Банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартириш 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш банк Кенгашига топширилсин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб тегишли қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади.

Йиғилиш раиси _____ **А.Р.Каримов**

Йиғилиш котиби _____ **З.У.Маматкулов**

2018 йил “___” сентябрь

Бошқарув раиси в.б. _____ **Р.У.Маматкулов**

**Юридик департаменти
директори** _____ **Ж.А.Саипов**